



GLOBAL TRENDS IN THE ELECTRIC VEHICLE INDUSTRY AND THE EXPERIENCE OF THEIR IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN

Sayidov Makhmud Khamidovich

Head of the Center for Retraining and Advanced Training of Driving
School Personnel at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of
the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18322666>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2026

Accepted: 20th January 2026

Online: 21st January 2026

KEYWORDS

Electric vehicle, green economy, climate change, charging infrastructure, hybrid vehicle.

ABSTRACT

This article analyzes current issues related to the development and use of electric vehicles worldwide and in the Republic of Uzbekistan. The necessity of introducing electric transport is justified in the context of global climate change, increasing environmental impact of road transport, and the transition to a green economy. The experience of European Union countries in gradually reducing vehicles with internal combustion engines is examined.

The article also highlights the environmental and economic advantages of electric vehicles compared to conventional vehicles, as well as existing infrastructural and technological challenges to their widespread adoption. The development dynamics of the electric vehicle market in Uzbekistan, import indicators, government support measures, including tax and customs incentives, and initiatives aimed at establishing local production and expanding charging infrastructure are analyzed.

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА УЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАЖРИБАСИ

Сайидов Махмуд Хамидович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Автомактаблар ходимларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18322666>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2026

Accepted: 20th January 2026

Online: 21st January 2026

ABSTRACT

Мазкур мақолада жаҳонда ва Ўзбекистонда электромобиллардан фойдаланишни ривожлантиришнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Автомобиль транспортининг атроф-муҳитга салбий таъсири, иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар ҳамда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнлари электромобилларни жорий этиш заруратини



KEYWORDS

Электромобил, яшил
иқтисодиёт, иқлим
ўзгариши, зарядлаш
инфратузилмаси, гибрид
автомобиль.

юзага келтираётгани асослаб берилган. Европа
Иттифоқи давлатлари тажрибаси мисолида
анъанавий ёнилғида ҳаракатланувчи
автомобилларни босқичма-босқич қисқартириш
сиёсати ёритилган.

Шунингдек, мақолада электромобилларнинг ички
ёнув двигателли автомобилларга нисбатан
экологик ва иқтисодий афзалликлари, уларни
оммалаштиришда мавжуд инфратузилмавий ва
технологик муаммолар кўриб чиқилган.
Ўзбекистонда электромобиллар бозорининг
ривожланиш динамикаси, импорт кўрсаткичлари,
давлат томонидан қўрилатган
қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, хусусан, солиқ
ва божхона имтиёзлари ҳамда маҳаллий ишлаб
чиқаришни ташкил этиш бўйича амалга
оширилатган ишловлар таҳлил қилинган.
Мақолада зарядлаш инфратузилмасини
кенгайтиришнинг аҳамиятига алоҳида эътибор
қаратилган.

Автомобиль транспорти иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутди.
Автомобиллар сонининг жадал ўсиши энергия истеъмолининг ортиши ва
атмосферага чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини кўпайтирди. Иқлим
ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар транспорт соҳасида экологик тоза
ечимларни жорий этишни тақозо этмоқда. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ
муаммолар барча технологияларнинг экологияга таъсирини қайта кўриб чиқишга
мажбур қилмоқда. Барча иқтисодиёт тармоқларининг “яшил” лойиҳаларга ўтиши
ўзига хос трендга айланыпти. Бу автомобилсозликни ҳам четлаб ўтмади. Ҳозирда
дунёнинг йирик автоконцернлари электромобиллар ишлаб чиқаришни йўлга
қўймоқда.

Масалан, ўтган йили Европа Комиссияси автомобиллардан ис гази чиқишини
камайтиришга доир ўз таклифларини эълон қилди. Хусусан, унда 2025 йилга келиб
анъанавий ёнилғида ҳаракатланадиган машиналар ҳажмини 15 фоизга,
2030 йилда эса 55 фоизга камайтириш белгиланган. 2035 йилга келиб Европа
Иттифоқи давлатлари тўлиқ “яшил” автомобилларга ўтиши лозимлиги
таъкидланган¹.

Ички ёнув двигателли автомобилларга нисбатан электромобиллар қуйидаги
афзалликлари билан ажралиб туради: самарадорлиги юқори, сезгирлиги юқори,
шовқинсиз, нисбатан экологик тоза, техник хизмат кўрсатиш ишларининг ва

¹ <https://lex.uz/docs/-6811936>



эксплуатация харажатларининг камлиги, хавфсизлиги оширилган, бир тезликли узатмалар кутисига, катта қувват ва буровчи моментга эга эканлиги.

Электромобиллар улушини ошириш қатор структуравий масалаларни ечиш орқали амалга оширилади. Масалан, уларни ишлаб чиқариш учун барқарор хомашё базасига эга бўлиш, уларни зарядлаш станцияларини кўпайтириш ва энг муҳими автомобиль таннархининг арзонлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу турдаги транспорт воситаларини ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши айрим турдаги фойдали қазилмаларга, хусусан, литий, никель, кобальт, графит ва камёб металлларга бўлган талаб ошди. Бу ишлаб чиқарувчиларни янги бозорлар, янги ҳамкорлар излашга мажбур қилмоқда. Талаб айниқса, Хитойга юқори, айнан шу давлат электромобиллар ишлаб чиқаришда етакчи. Бундан буён уларга бўлган талаб янада ошади, чунки, деярли барча автомобиль компаниялари “яшил” лойиҳаларни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Зарядлаш станцияларини кўпайтириш яна бир муҳим масала. Юқорида номи тилга олинган Еврокомиссия таклифларида шу мақсад учун 50 миллиард доллар инвестиция зарурлиги қайд этилган. 2021-2027 йилда ушбу сектор йилига ўртача 20 фоиздан ўсади. 2027 йилда зарядлаш станциялари сонини 2,8 миллионга етиши тахмин қилинган.

Электромобиллар оммалашувига энг катта тўсиқ бу уларнинг нархи бўлиб қолмоқда. Дунё бозорида уларнинг ўртача нархи одатий автомобилларга нисбатан икки баробар қиммат. Аммо иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммо охир-оқибат уларнинг нархи арзонлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ҳам глобал трендлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Хусусан, 2021 йил ноябрида Глазгода бўлиб ўтган халқаро иқлим конференциясида Тошкент 2030 йилда электромобилларнинг автотранспортдаги улушини 20 фоизга етказиш бўйича мажбурият олган.

Республикада сўнгги йилларда электромобилларнинг улуши ортиб бормоқда. Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистонга импорт қилинган энгил автомобилларнинг умумий сони 7,1 фоизга ошиб, 2024 йилдаги 74505 донадан 79822 донага етди. Бозорнинг асосий драйвери сифатида электромобиллар майдонга чиқди ва импорт оқимининг асосий қисмини шакллантирди. 2025 йилда улар сони икки баробардан ортиқ ўсиб, 56832 донани ташкил қилди. Қиймат ифодасида электрокарлар сегменти янада жадал ўсишни кўрсатди: импорт қиймати 2024 йилдаги 224,7 млн доллардан 2025 йилда 701 млн долларгача ошиб, 212 фоизга кўтарилди. Шу билан бирга, анъанавий бензин двигателли автомобиллар ўз позицияларини йўқотишда давом этмоқда. Йил давомида улар импорти қарийб 40 фоизга қисқариб, 19871 донани ташкил этди, етказиб беришнинг қиймат ҳажми эса 706,8 млн доллардан 387,9 млн долларга тушди. Умумий импортнинг асосий қисми Хитой ҳиссасига тўғри келади².

² <https://www.uzdaily.uz/uzc/o%CA%BBzbekistonda-2025-yilda-engil-avtomobillar-importi-elektromobillar-etakchi-benzinli-va-gibrid-mashinalar-pozitsiyasini-yo%CA%BBqotmoqda>



Ҳукумат электромобилларни оммалаштириш учун қатор ишларни амалга оширмоқда. Масалан, ҳозирги кунда улар акциз ва божхона тўловларидан, шунингдек, турли йиғимлардан озод қилинган. 2022 йилнинг 19 декабрида “Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-443 – сон қарори қабул қилинди. Қарорда, “яшил” технологияларни барча соҳаларга фаол жорий этиш, электромобиллар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш орқали ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини қисқартириш, шунингдек, республика ҳудудида электр энергияси манбаларида ҳаракатланувчи транспорт воситалари – электромобиллар ҳамда ички ёнув двигатели ва ташқи электр манбаи орқали зарядланувчи электр мотори ёрдамида ҳаракатланувчи транспорт воситаларини – гибрид автомобиллар саноат усулида ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш белгиланган.

Электромобиллар ва гибрид автомобилларни саноат усулида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг чоралари сифатида:

а) 2030 йил 1 январга қадар:

республикада ишлаб чиқарилган электромобиллар ва гибрид автомобиллар утилизация йиғимидан;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича хориждан олиб келинадиган электромобилларнинг ва гибрид автомобилларнинг бутловчи қисмлари (машинокомплект), хом ашё ва материаллар, ускуналар ва технологик жиҳозларни, шу жумладан сервис хизмати кўрсатиш учун эҳтиёт қисмларни божхона божидан озод этиш;

б) электромобиллар ва гибрид автомобилларни тўлиқ циклда ишлаб чиқариш жараёнлари ўзлаштирилгунга қадар, бироқ лойиҳа амалга оширилиши бошланган вақтдан 24 ойдан кўп бўлмаган вақт мобайнида ишлаб чиқарувчиларга электромобилларни ва гибрид автомобилларни божхона божи ва утилизация йиғими тўламасдан, яратиладиган ишлаб чиқариш қувватларининг 50 фоизигача, аммо йилига 10 мингдан кўп бўлмаган миқдорда, йирик узелли ишлаб чиқариш учун машинокомплект ёки тайёр автомобиль ҳолатида олиб киришга рухсат бериш;

в) республикада ишлаб чиқарилган ва ички бозорда сотилган, электромобиль ва гибрид автомобилларни сотиб олиш учун жисмоний шахсларга миллий валютада ажратиладиган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1200 бараваридан ошмайдиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун кредит муддатининг дастлабки 36 ойи давомида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация тўлаш кўзда тутилган.

2022 йил 29 декабрда “Ўзавтосаноат” АЖ ва “BYD Europe B.V.” (Нидерландия Қироллиги) компанияси – Инвестор иштирокида масъулияти чекланган жамият шаклида “BYD Uzbekistan Factory” қўшма корхонаси таъсис этилди.



Шунингдек, 2024 йил 18 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида электромобиль ва гибрид автомобиллар ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги инвестиция шартномасини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ, республикада “BYD” электромобиллари ва гибрид автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда маҳаллий автомобилсозлик маҳсулотлари номенклатурасини янада кенгайтириш белгиланди.

Мазкур қарорда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Инвестор ўртасида 2023 йил 26 сентябрда “Ўзбекистон Республикасида электромобиль ва гибрид автомобиллар ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги инвестиция шартномаси имзоланганлиги ҳамда унга мувофиқ қуйидаги масалалар юзасидан инвестор билан музокаралар олиб борилди:

- инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг кейинги даврларида электромобиль ва гибрид автомобиллар ишлаб чиқариш қувватини босқичма-босқич йилига 500 минг донагача ошириш;
- инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг кейинги даврларида ишлаб чиқариладиган электромобиль ва гибрид автомобилларнинг маҳаллийлаштириш даражасини 60 фоизгача етказиш;
- маҳаллий аҳоли учун 10000 та янги иш ўринларини яратиш;
- ишлаб чиқарилган электромобиль ва гибрид автомобилларни қўшма корхона томонидан белгиланган экспорт давлатларидан ташқари доимий равишда экспорт қилинадиган давлатлар рўйхатини кенгайтириш;
- сифатли ва хавфсиз электромобиль ва гибрид автомобилларни харид қилиш, уларнинг маҳаллий иқлим шароитларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда кафолатли сервис хизматини кўрсатиш бўйича истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш;
- барча автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарга, шу жумладан инвесторга, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференцияларни беришда тенг шартлар ва шароитларни яратиш.

“Яшил” машиналарнинг кўпайиши Республика бўйлаб зарядлаш станцияларининг ҳам кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда мингга яқин, Тошкент шаҳрининг ўзида 500 дан ортиқ қувватлантириш станциялари ишлаб турган бўлса, уларнинг фақат 103 таси техник шартларга эга. 2024 йил 1 ноябригача Ўзбекистонга 5417 та қувватлантириш станцияси олиб кирилган ва шу йилнинг ўзида ана шунча техник шарт олиниши керак бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада 2024 – 2025 йилларда электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига кўра, 2025 йил 1 февралдан давлат муассасалари, меҳмонхоналар, бизнес-марказлар, савдо ва умумий овқатланиш объектлари, халқаро ва давлат аҳамиятидаги



автомобиль йўллари инфратузилмаси объектлари лойиҳаларида тўхташ жойларининг камида 5 фоизи электромобилларни қувватлаш станциялари билан жиҳозланиши белгиланган. Шунингдек, ушбу қарорда кўп қаватли уйлар яқинида, шу жумладан, уларга яқин жойлашган тўхташ жойларида максимал қуввати 22 кВт бўлган станцияларни ўрнатилиши кўрсатиб ўтилган.

Хулоса:

Хулоса қилиб айтганда, электромобиллардан фойдаланишни кенгайтириш жаҳонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, атмосферага чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини камайтириш ҳамда транспорт соҳасида энергия самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Европа Иттифоқи давлатлари тажрибаси “яшил” транспортга ўтишнинг узоқ муддатли экологик ва иқтисодий самараларини яққол намоён этмоқда.

Ўзбекистонда электромобиллар ва гибрид автомобилларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати глобал тенденцияларга мос келади. Импорт ҳажмининг ортиши, маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, солиқ ва божхона имтиёзлари, шунингдек, зарядлаш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қарорлар ушбу соҳанинг изчил ривожланиши учун мустаҳкам асос яратмоқда. Умуман олганда, электромобиллардан фойдаланишни кенгайтириш республикада транспорт соҳасини модернизация қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 21-fevraldagi “O‘zbekiston – 2030” strategiyasini “Yoshlar va biznesni qo‘llab-quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida” PF-37-son Farmoni.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 декабрдаги “Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-443-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электромобиль ва гибрид автомобиллар ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги инвестиция шартномасини тасдиқлаш ҳақида” ги ПҚ-132-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 ноябрь кундаги “Республикада 2024 – 2025 йилларда электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 732-сон қарори.
5. 7. Шукуров. Н.Р. Автомобилсозликнинг истиқболли ривожланиш йўналиши / Н.Р. Шукуров, Г.М. Мухаммадиев, З.Х. Абиджанов. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2020. – № 13 (303). – С. 267-271.



6. Shukurov N.R. Road transport - main pollutant environment. International Scientific Review of the Problems and Prospects of Modern Science and Education /Collection of Scientific Articles: LXXXI International Scientific and Practical Conference (USA, Boston. May 23, 2021). Boston, 2021. –P.5-8.